БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 183 (3921).

18 СЕНТЯБРЬ ЧОРШАНБА 1968 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ПАХТАЧИЛИККА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАШ

Пахтачилик фанини ривожлантириш Иттифоқ аҳамиятига молик муҳим тадқиқот ишларидан бири бўлиб қолди. Тошкентда чақирилган чигит генетикаси бўйича Бутуниттифоқ кенгаши ҳам бу масалага жиддий аҳамият берилаётганлигини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиуми биносида ўтказилган бу кенгашга пахта экадиган республикалардан шу соҳанинг мутахассислари ва олимлари, Москва, Ленинград, Новосибирск ва бошқа шаҳарлардаги илмий марказлардан генетиклар таклиф этилди.

Олимлар ва мутахассислар бир ҳафта давомида чигит генетикаси билан боғлиқ қатор масалалар юзасидан фикрлашдилар, тўпланган тажрибалар билан ўртоқлашдилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. Содиқов, СССР Фанлар академияси Умумий генетика институти директорининг ўринбосари С. Краевов ва бошқа олимлар чигит генетикасининг истиқболлари ҳақида батафсил тўхталдилар.

Кенгашда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, пахтачиликнинг ривожланиши фақат илғор биология фани билангина боғлиқ эмас, балки математика, кибернетика каби билимлар ҳам бу соҳани илмий йўсинда ҳал қилишда катта роль ўйнайди.

Кенгаш куни кеча ўз ишини тамомлади.



МЕХАНИЗАТОР Турдибой Шоев бошлиқ звено пахтакорлари машина теримини Ҳамза номли колхоздагина эмас, балки Оққўрғон районида ҳам энг биринчилар қаторида бошлаб юбордилар. Гектар бошига 27 центнер ўрнига 40 центнердан «оқ олтин» кўтариш мажбуриятини олган бу азаматлар йиллик планни узоғи билан 25 иш кунида бажаришга аҳд қилдилар. Звено бошлиғининг ўзи «зангори кема» билан камида 110 тонна пахта теришга сўз берди. Суратда: звено даласида машина терими пайти. (Чапда) механизатор-звено бошлиғи Турдибой Шоев.

А. Абалян фотолари.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети «Липецк область, Добринка район партия комитетининг иши тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда айтиладики, Добринка район партия комитети КПСС Марказий Комитетининг XXIII съезди қарорларини бажара бориб, район коммунистлари ва барча меҳнаткашларини партиянинг қишлоқдаги сиёсатини амалга оширишга сафарбар этиш юзасидан катта ишлар қилмоқда, район партия ташкилотининг куч-ғайратини қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг бош масалаларини ҳал қилишга, қишлоқ меҳнаткашларининг фаровонлигини ва маданиятини янада яхшилашга қаратмоқда.

Район комитети колхоз ва совхозлар бошланғич партия ташкилотларининг активлигини ошириш тадбирларини кўрмоқда. Колхоз ва совхозларнинг кўпчилигида партия комитетлари тузилган, цех партия ташкилотлари ва партия группаларининг сони ошди, партия кучларини жой-жойига қўйиш яхшиланди. Район партия ташкилоти колхоз ва совхознинг раҳбар кадрлари билан ишлашга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг технологлари ва ташкилотчилари бўлган мутахассисларнинг ролини оширишга кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолди.

Партия ва давлатнинг ҳар томонлама кўрсатаётган ёрдамига таяниб, колхозчилар, совхоз ходимлари, район партия ташкилоти раҳбарлигида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришини кўпайтириш ва тайёрлашда дуруст натижаларга эришдилар. Сўнгги уч йил ичида район қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг йиллик ўртача ҳажми ўтган уч йилдагига нисбатан 21 процент ошди. Дон, қанд лавлаги, гўшт, сут, тухум етиштириш кўпайди. Дон ўсимликлари ҳосилдорлиги ошиб бормоқда. 1968 йилда, тахминий маълумотларга кўра дон маҳсулотлари 1964 йилдаги 15 центнер ўрнига, ҳар гектар ердан камида 21 центнерни ташкил этади. Давлатга асосий далачилик ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш юзасидан беш йилликнинг дастлабки икки йиллик топшириқлари ортиғи билан бажарилди.

Шу билан бирга қарорда кўрсатилишича, ерлари унумдор бўлган ва иқлим шароити яхши бўлган Добринка районининг колхоз ва совхозлари деҳқончилик ва чорвачиликни янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш учун катта резервларга эгадирлар. Район партия комитети райондаги аҳволга етарли даражада танқидий баҳо бера олмаётир, ҳар бир хўжаликдаги, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасидаги аҳволни чуқур анализ қилмаётир, баъзи колхоз ва совхозларнинг орқада қолаётганлиги билан муроса қилиб келмоқда.

Районда ҳар бир гектар ердан янада рационал ва унумдор фойдаланиш учун зарур чора-тадбирлар кўрилмаяпти. Кўпчилик хўжаликларда деҳқончилик маданияти ҳамон паст, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги суст ўсмоқда. Баъзи хўжаликларнинг раҳбарлари КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарори томонидан қўйилган ерларни мелиорациялаштириш вазифаларини ҳал қилишга бир томонлама қарамоқда, мелиорациялаштиришнинг кенг программаси — бу фақат суғориш ва қуритишгина эмас, балки тупроқнинг унумдорлигини оширишнинг бутун бир тадбирлар комплекси эканлигини эътиборга олмаётирлар. Бир қатор колхоз ва совхозларда чорва ва паррандаларнинг маҳсулдорлиги паст, наслчилик ишлари қониқарсиз аҳволда, чорвачилик учун мустаҳкам озуқа базаси барпо этилмаган, қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланишда ҳам катта камчилик бор.

Район партия комитети, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси ҳар бир колхоз ва совхозда ишлаб чиқариш фондларидан, капитал маблағлардан ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланилишига эришолмадилар. Бунинг натижасида бир қатор хўжаликлар ишларининг иқтисодий кўрсаткичлари ҳамон қониқарсизлигича қолиб кетмоқда.

Районда колхоз демократиясини бузиш ҳоллари бор. Колхозчилар умумий йиғилишларининг роли камситилмоқда, ишлаб чиқаришни планлаштириш, турли хил фондларни ҳосил қилиш, даромадларни тақсимлаш, колхоз аъзолигига қабул қилиш каби муҳим масалаларни ҳал қилишда артель аъзолари ҳар доим ҳам иштирок этмоқдалар, деб бўлмайди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги юз берган ва юқорида кўрсатилган камчиликларнинг содир бўлишига сабаб шуки, район партия комитети ўз ишини КПСС XXIII съезди талаблари даражасида тўла қайта қуриб ололганича йўқ, раҳбарликнинг эски методларидан бутунлай воз кечолмаган.

Идеология ишида маҳаллий шароит ва меҳнаткашлар турли категорияларининг талаб ва эҳтиёжлари етарли даражада эътиборга олинмаётир. Аҳоли яшайдиган узоқ пунктларда оммавий сиёсий ишлар қониқарсиз йўлга қўйилган, аҳолини тарбиялашда қишлоқ интеллигенцияси — ўқитувчилар, врачлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари суст қатнашмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети КПСС Добринка район партия комитети зиммасига мазкур қарорда кўрсатилган камчиликларни бартараф қилиш, райониинг иқтисодий ва маданий ҳаётига раҳбарликни яхшилаш, омма орасида олиб бориладиган ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишларни муттасил такомиллаштириб бориш вазифасини юклади.

Район партия ташкилотининг асосий вазифаси, деб кўрсатилади қарорда, меҳнаткашларни партия XXIII съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитети март ва май Пленумлари қарорларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишдан, барча колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг янада юксак ва муттасил суръатлар билан ўсишини таъминлашдан иборат. Партия ташкилотлари В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг социалистик мусобақасига бошчилик қилмоқлари керак.

Ҳозирги босқичда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг бош йўли — бу қишлоқ хўжалигини изчиллик билан интенсивлаштиришдир. Район партия комитети совет ва қишлоқ хўжалиги органлари партия ташкилотларининг, колхоз ва совхозлар раҳбарларининг, мутахассисларнинг ва барча қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг куч-ғайратини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада юксалтиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга ва маҳсулот таннархини камайтиришга эришиш учун мелиорация, химиялаштириш ва комплекс механизациялаштириш асосида деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини оширишнинг кенг программасини амалга оширишга қаратмоғи лозим. Бунда дон етиштиришни кўпайтиришга алоҳида эътибор бермоқ лозим. Озуқа базасини мустаҳкамлаш, чорванинг наслини яхшилаш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш тадбирлари кўрилмоғи керак.

Қишлоқ хўжалик фани ва илғор практиканинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиб бориш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилмоқ керак. Энг яхши хўжаликлар тажрибасига асосланган ҳолда ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, меҳнатни илмий асосда ташкил этишни астойдил амалга ошириш, колхозчилар ва совхоз ишчиларини маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантиришнинг турли формаларини моҳирлик билан қўлланиш лозим. Хўжаликларда, бригадаларда, бўлимларда ва фермаларда хўжалик ҳисоби кенг жорий этилсин, қишлоқ хўжалиги барча тармоқларининг рентабеллиги оширилсин.

КПСС Марказий Комитети шуни қайд қилдики, партия шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги жиддий тафовутларни бартараф этишдан иборат энг муҳим социал вазифани ҳал қилаётган ҳозирги вақтда район партия ташкилоти фаолиятида қишлоқ аҳолиси турмушининг моддий ва маданий шароитини яхшилаш, қишлоқни, унинг қиёфаси ва турмушини тубдан қайта қуриш масалалари янада кўпроқ ўрин олмоғи лозим. Давлат капитал маблағларидан, шунингдек, колхоз ва совхозларнинг маблағларидан янада оқилона фойдаланиш ҳисобига уй-жой, маданий маиший ва йўл қурилишини кенг амалга оширмоғи зарур.

Район партия комитети ўз фаолиятининг форма ва методларини муттасил такомиллаштириб бориши, партия ички демократиясини ва коллектив раҳбарлик принципларини янада ривожлантиришни таъминлаши керак. Район комитетининг Пленумлари ва бюросининг ролини оширишга, қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда район комитети барча аъзоларининг актив иштирок этишига эришмоқ керак. Район комитетининг эътибори ўз ишининг натижаларига баҳо беришга янада сезгир ва талабчан бўлиш, партия ташкилоти ишида танқид ва ўз-ўзини танқидни кенг авж олдириш зарурлигига қаратилган.

Район комитети район ташкилотларининг фаолиятини бирлаштира ва йўналтира бориб, бу ташкилотларга ҳомийлик қилиши, уларнинг ишини бажариши керак эмас, балки уларнинг ташаббусини авж олдириши, уларнинг ўзларига топширилган иш участкаси учун тўла масъулиятни сезишларига эришмоғи зарур. Партия ва ҳукумат директиваларининг бажарилишини назорат қилиб туриш ва текширишни астойдил яхшилаб бормоқ керак.

КПСС район комитетининг бурчи — кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш тўғрисида кундалик ғамхўрлик қилишдан, партия, совет, хўжалик, маданий ва ижтимоий фаолиятнинг барча участкаларига сиёсий жиҳатдан етук, ғоявий жиҳатдан чиниққан, малакали ва обрўли ходимларнинг раҳбарлик қилишига эришишдан иборат. Кадрларга ишонч ва ҳурмат бўлиши билан бирга, уларга нисбатан юксак талаб ҳам бўлмоғи керак. Раҳбарлик ишига пухта, ишнинг кўзини билган ишчилар, колхозчилар, мутахассислар, хусусан амалий ишларда ўзини кўрсатган ёшларни кўтараверишкерак. Партия, совет ва хўжалик ишларига, соғлиқни сақлаш, маориф ва маданият муассасаларига хотин-қизлар дадиллик билан кўтарилсин, уларнинг сиёсий ва ишчанлик фазилатларининг доимо ўсиб бориши тўғрисида ғамхўрлик қилинсин. Район комитетига бўлим бошқарувчилари, бригадирлари, колхоз ва совхозларнинг ферма мудирларининг сифат составини яхшилашга эътибор бериш, бу кадрларни шу жойларга бириктириш ва уларнинг иш малакасини ошириш тадбирларини кўриш тавсия этилди. Тракторчилар, комбайнчилар, чорвачилик фермалари механизаторлари, қурувчилар, электрчилар ва бошқа касб ходимлари тайёрлаш ишлари янада яхшилансин. Бу иш шу кунги талаб даражасинигина эмас, балки келажакни назарда тутган ҳолда йўлга қўйилмоғи керак. Қишлоқ механизаторлари касбини эгаллашга кўпроқ хотин-қизларни жалб этиш, улар учун зарур ишлаб чиқариш ва маданий-маиший шароит яратиш тавсия этилди.

Район комитетининг энг муҳим бурчи бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини янада яхшилаб боришдан, партиянинг қишлоқдаги сиёсатини амалга оширишда уларнинг ролини оширишдан, бевосита колхозчилар, совхоз ходимлари, қишлоқ интеллигенцияси орасида олиб бориладиган ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кучайтиришдан иборат. Бевосита бригадаларда, бўлимларда ва фермалардаги ишнинг аҳволига ўз таъсирини кўрсатадиган цех партия ташкилотлари ва партия группаларига кўпроқ эътибор берилсин. Партия ташкилотларининг жанговарлигини кучайтиришнинг муҳим воситаси бўлган партия йиғилишларини ўтказиш практикаси такомиллаштирилсин. Коммунистларнинг активлиги, уларнинг ўз ташкилотлари ва коллективларидаги ишнинг аҳволи учун масъулияти оширилсин, уларнинг ҳар бири амалда ишлаб чиқаришда, ижтимоий ҳаётда, турмушда илғор киши бўлишига, теварак атрофдагилар учун намуна бўлишига эришилсин. КПСС Программаси ва Устави талабларини бузаётган партия аъзолари ва партия аъзолигига кандидатларга нисбатан кўнгилчанлик ва либераллик қилиш ҳолларига кескин хотима берилсин.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари идеология иши масалаларига эътиборни кучайтиришлари керак. Коммунистларнинг марксча-ленинча назарияни ўрганишлари учун масъулият оширилсин, раҳбар кадрлар, қишлоқ интеллигенцияси, партиянинг барча аъзолари аҳолини ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашга активроқ жалб этилсин. Идеология иши қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг амалий вазифаларини ҳал қилиш билан маҳкам боғланган, жанговар, ҳужумкор характерга эга бўлиши, бизга ёт қарашларга ва хатти-ҳаракатларга муросасиз, буржуа пропагандасининг найрангларини ўз вақтида фош қилиб, уларга зарба берадиган бўлиши керак. Колхозчилар ва совхоз ходимларини ерга, ғаллакорнинг меҳнатига чуқур ҳурмат, социалистик ахлоқ ва хулқ нормаларига қатъий амал қилиш руҳида тарбияламоқ зарур.

Район партия комитетига совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларига раҳбарликни яхшилаш бу ташкилотларда ишловчи коммунистларга бўлган талабни ошириш таклиф этилди.

КПСС Марказий Комитети, КПСС Липецк область комитети зиммасига шу қарорни бажаришда Добринка район партия комитетига ёрдам кўрсатиш вазифасини юклади.

(«ПРАВДА»нинг 1968 йил 14 сентябрь сони).

ЗАРБДОРЛАР

Хўжалик буюмлари заводининг тунукасозлик цехи коллективи шу кунларда корхонада пешқадамлик қилмоқда.

Цехда бригадалараро мусобақа намунали йўлга қўйилган. Айниқса ўртоқ Ҳамид Назиров бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари катта ютуқларни қўлга киритишяпти. Бу бригада коллективи асосан чойгумлар ишлаб чиқаради. Бригаданинг кўпчилигини комсомол-ёшлар ташкил этади.

1964 йилда бригадада бор-йўғи учтагина коммунистик меҳнат зарбдори бор эди. Ҳозир эса деярли ҳамма коммунистик меҳнат зарбдори, ҳар ойда корхона мукофотини олишга сазовор бўлишяпти. Шу кунларда Кўчма қизил байроқ улар қўлида.

Бригада аъзолари бу йил олтмиш мингта чойгум ишлаб чиқариш мажбуриятини олишган. Улар бу аҳдни октябрь ойидаёқ бажаришга бел боғлаганлар. Адҳам Зуфаров, Султон Муҳаммедов сингари меҳнатсеварлар бу ишда баракали ҳисса қўшишяпти.

А. ИСАМУҲАМЕДОВ.

АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДАГИ ЛЕНИН МУКОФОТИ ВА СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИ КОМИТЕТИДАН

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитети маълум қиладики, 1969 йилги Ленин мукофотларини бериш учун асарлар қабул қилиш шу йилнинг 16 октябрида тамомланади.

1969 йилги СССР Давлат мукофотларини бериш учун номзодлар қабул қилиш шу йилнинг 15 декабригача давом эттирилади.

ЮКСАЛИШ

Ишнинг кўзини биладиган деҳқон йил сайин юксак чўққилар сари кўтарилаверади.

Бўкадаги «Ленинобод» колхозининг деҳқонлари ҳам ана шундай ишбилармонлар жумласига киришади. Нега деганингизда, улар кейинги уч-тўрт йил ичида шундай юксалишга эришишяптики, ҳавасингиз келади. Пахта ҳосилдорлиги кейинги тўрт йил ичида гектар бошига 10—15 центнер кўпайтирилди. Бу — колхозда деҳқончилик маданиятининг юксалтирилаётганлигидан, комплекс механизация даражасининг оширилаётганлигидан далолат бериб турибди.

Хўжалик меҳнаткашлари беш йилликнинг учинчи йилида ўз олдиларига тағин ҳам катта вазифаларни қўйганлар. Улар йил бошида ҳосилдорликни яна беш-олти центнерга ошириб, гектар бошига камида 28—30 центнердан хирмон кўтаришга эришамиз, деб сўз берган эдилар.

— Баҳорда ҳавонинг паст келиши, намгарчиликнинг чўзилиб кетиши бошқа хўжаликлар қатори бизнинг колхозимиз деҳқонлари ишида ҳам катта қийинчиликлар туғдирди, — дейди колхоз раиси Юсуф Мамашоев. — Бирқанча майдонларимиздаги ғўза илдиз чириш касаллигига дучор бўлди. Натижада бундай майдонларга қайтадан чигит экдик.

Бунинг устига-устак кўпгина майдонларимиздаги нозиқ ғўза ниҳолларини сел ювиб кетди. 250 гектар майдонимизга учинчи марта чигит экишга мажбур бўлдик. Кўчат сийраклашиб кетди. Лекин, деҳқонларимиз бўш келишмади. Улар табиат инжиқликлари оқибатини тугатиш учун бутун куч ва имкониятларини ишга сола бошладилар.

Дарҳақиқат, колхоз пахтакорлари ҳар бир кун, ҳар бир соатни ғанимат билиб, ғўзани жадал ривожлантириш чораларини кўришди. Далада қилинадиган ҳар бир иш қулай агротехника муддатларида ва юксак талаб даражасида бажарилди. Механизаторлар қатор ораларини чуқурроқ ва кенгроқ культивация қилиш, бирор туп ҳам кўчатни нобуд қилмаслик ҳаракатида бўлдилар. Озиқлантириш ҳам қисқа фурсатда ўтказилди. Гектар бошига 400 килограммдан азотли, 300 килограммдан фосфорли ўғитлар солинди. Колхоз сувчилари экинни саратон сувига кечаю-кундуз қондиришда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилдилар.

Мана энди бугунги кунга келиб, хўжаликнинг барча майдонларидаги ғўза илгариги йиллар даражасига етказиб олинди. Ҳар гектар майдонда 85—90 минг туп кўчат сақланган. Сон-саноқсиз чаноқлардаги пахта кун сайин бодраб очиляпти. Эндиликда пахта йиғим-теримини ҳам намунали ўтказишнинг зарур тадбирлари кўрилмоқда.

Колхозда машина терими ҳам йил сайин юксалтирилмоқда. Кейинги тўрт йил давомида машина терими даражаси 10—15 процентдан 65—70 процентга кўтарилди. Колхоз механизаторлари «Самарқанд» совхози, «Интернационал» ва «Октябрь 40 йиллиги» колхозлари меҳнаткашларининг ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб, бу йилги «оқ олтин»ни ёрдамчиларсиз, асосан машиналар билан териб олишга қатъий қарор қилдилар.

Ҳозир 26 та машина, 20 та прицеп ва бошқа механизмлар йиғим-теримга тўла сафарбар этилмоқда. Серғайрат механик-ҳайдовчилардан Мурод Носиров, Эрмат Душабоев, Алибой Бойбўтаев, Абдукарим Эгамбердиев, Жонон Байрамов сингари ўртоқларнинг ҳар бири «зангори кема» бункеридан 100—120 тоннадан пахта тўкишга сўз берди.

Она-Ватанга 1650 тонна «оқ олтин» етказиб бериш, шу ҳосилнинг минг тоннасидан кўпроғини машиналар билан териб олиш йўлида меҳнат қилаётган колхоз пахтакорларига муваффақиятлар тилаймиз.

Н. ТУРАЕВ.

356.000 тонна пахта учун

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 17 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Пахта тайёрлаш		Машина терими	
	Бир кунда	Мавсум бошидан бери	Бир кунда	Мавсум бошидан бери
Бекобод	0,63	2,82	0,31	0,88
Янгийўл	0,52	2,65	0,20	0,20
Бўка	0,17	0,64	0,05	0,05
Оққўрғон	0,24	0,24	0,31	0,31
Юқори Чирчиқ	0,08	0,08	—	—
Ўрта Чирчиқ	0,01	0,01	—	—
Оржоникидзе	—	—	—	—
Область бўйича	0,28	1,09	0,16	0,23

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ҒЎЗАЛАРНИ ДЕФОЛИАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 17 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Дефолиация қилинган майдон	Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида
Оққўрғон	39078	90,9
Ўрта Чирчиқ	27989	82,3
Бўка	36032	70,6
Юқори Чирчиқ	4026	51,6
Бекобод	15930	56,9
Янгийўл	16788	48,0
Оржоникидзе	—	—
Область бўйича	139843	69,9

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ИЛҒОРЛАР — ПАРТИЯ САФИГА

159-қурилиш трестига қарашли 13-бошқарма партия ташкилоти ҳисобидаги коммунистларнинг барчаси ишлаб чиқаришда донг таратган кишилардир. Бошқарма коммунистлари барча участкаларда жон куйдириб меҳнат қилиб, қурилиш сифатини ошириш, таннархини арзонлаштиришда алоҳида ғайрат кўрсатишаяпти.

Бу йил бошқарма коммунистларининг сафи яна 10 кишига кенгайди. Меҳнати билан кўпчилик ҳурматини қозонган ёш бинокор Қудратилла Алиевга устоз коммунистлар ҳеч иккиланмай партияга ўтиш учун кафолот бердилар. Қудратилла ишлаб чиқаришда ҳам, жамоат ишларида ҳам актив қатнашиб келаяпти. Ҳозир у сиёсий ахборотчи. Ҳамкасбларини кун сайин дунё янгиликларидан хабардор қилиб турибди.

Д. Кацнельсон ҳам партияга янги қабул қилинган ёш бинокорлардан. У сменадан сўнг жамоат ишлари билан банд бўлади. Партия ташкилоти унга «Строитель» деворий газетасига муҳаррирлик қилиш вазифасини топширган. Бу партия топшириғини ўртоқ Д. Кацнельсон жон-дили билан адо этаяпти.

Коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи В. Салихзянов, электр пайвандчи В. Близняков, бетончи А. Қурбонов каби ишлаб чиқариш новаторлари ҳам В. И. Ленин партияси сафига аъзо бўлдилар. Улар ҳозир коммунист деган шарафли номга муносиб меҳнат қилиб, юксак унумдорликка эришмоқдалар.

ЗЎР УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Оққўрғон районидаги Свердлов номли колхоз коммунистлари беш йилликнинг учинчи йилида ўз зиммаларига улкан мажбуриятлар олган ҳолда меҳнат қилмоқдалар.

Хўжалик коллективи ўтган йили ҳар гектар ердан 26,5 центнердан ҳосил олган эди. Бу йил эса колхоз пахтакорлари 30 центнерлик улкан маррани кўзламоқдалар.

Ҳосил тўплаш ва йиғим-терим кампаниясига тайёргарлик даврида коммунистлар зўр ғайрат кўрсатишди. М. Исмоилов, И. Саидолимов, О. Мингбоев каби механизатор коммунистлар 610 гектар майдондаги ғўзаларга беш марта комплекс ишлов бердилар. 26 та «зангори кема» муддатидан олдин ремонтдан чиқарилди. Янги сотиб олинган тўртта ХТ-1,2 терим машинаси вақтида дала бошига чиқарилди. Коммунист механизаторлар ўтган йили 510 гектар майдондаги ҳосилни машинада терган бўлсалар, бу йил 590 гектар майдонда етиштирилган «оқ олтин»ни пўлат бункерлардан тўкишга аҳд қилганлар.

Ҳозир колхоз далаларида пахта йиғим-терими зўр уюшқоқлик билан боряпти. Колхоз партия ташкилоти етиштирилган ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай сентябрь ойи ичидаёқ йиғиб-териб олиш тадбирларини кўраяпти.

СИФАТ — МЕҲНАТ КЎЗГУСИ

ХАРИДОРНИ РАНЖИТМАНГ

Маҳсулот сифатини тинмай ошириш, ҳар бир буюмни жаҳон стандартлари даражасига етказиш давримизнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Буни яхши тушунган областимиздаги қатор саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулот сифатини яхшилаш йўлида тиним билмай изланмоқдалар, янги-янги резерв ва имкониятларни ишга солмоқдалар. Сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётган ишчилар, инженер-техник ходимларни доим моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирмоқдалар.

Афсуски, ҳали бизда корхона маркасининг шуҳратини оширишга етарли аҳамият бермаётган, бу масалага панжа орасидан қараётган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Бундай корхоналар маъмуриятларига маҳсулотларнинг сифати ёмонлиги ҳақида гапиргудек бўлсангиз, дарров икки қўлни кўксиларига қўйиб «сифатни яхшилаш учун барча чораларни кўрамиз» деб дарров қоп-қоп ваъдалар беришади. Амалда эса «бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» қабилида иш тутадилар. Амалий чоралар кўришни ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар.

Янгийўлдаги пойафзал фабрикаси раҳбарларининг «фаолияти» бунга ёрқин мисол бўла олади. Корхонада ишлаб чиқарилаётган оёқ кийимларининг сифатсизлиги, кўпга чидамаслиги, кўримсизлиги ҳақида тез-тез шикоятлар тушиб туради. Худди шу сабабли ҳам бу корхона маҳсулоти савдо шохобчаларида кўп вақт сотилмай қолади. Ўтган йили савдо ходимлари Янгийўл пойафзал фабрикасида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг анчагина қисмини олмасдан корхонага қайтариб юбордилар. Текширилган барча оёқ кийимлари 10,3 процентининг сорти камайтирилди.

Ўшанда савдо ходимлари фабрика раҳбарларидан пойафзал сифатини тубдан яхшилашни талаб қилдилар. Корхона раҳбарлари эътирозларингизни ҳисобга оламиз деб савдо ходимлари қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирдилар-да, яна ўз билганларидан қолишмади. Ишнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган айтарли тадбирларни амалга оширишмади. Бу йил ўтказилган текширувда 4,8 процент пойафзалнинг сорти камайтирилди, 8,9 проценти эса қайта ишлаш учун корхонага юборилди. Шу текширувда фабрика раҳбарларининг яна бир номаъқул иш услублари аён бўлиб қолди — текширилган чарм пойафзалининг 25 процентига аниқ нарх қўйилмаганлиги маълум бўлди.

Чирчиқдаги пойафзал фабрикаси раҳбарлари ҳам маҳсулотнинг сифати масаласига келганда ўзларининг янгийўллик ҳамкасбларидан қолишишмаяпти. Бу ерда тайёрланган оёқ кийимлари тез-тез брак қилинади ёки сорти пасайтирилади. Фабрика маҳсулоти сифатининг кўнгилдагидек эмаслиги ҳақида биринчи марта айтилаётгани ёки ёзилаётгани йўқ. Бу ҳақда жуда кўп гап-сўзлар бўлиб ўтган. Лекин фабрика раҳбарлари бундан ўзларига лозим даражада хулосалар чиқариб олишмаяпти.

Корхонада ҳар йили маҳсулот сифатини яхшилаш билан боғлиқ бўлган ўнлаб ташкилий-техникавий тадбирларни амалга ошириш планлаштирилади. Лекин ҳеч вақт бу ишлар охиригача етказилмайди. Жуда кўп тадбирлар рўёбга чиқмай, қоғозда қолиб кетади. Бунинг устига техника контроли хизмати ишидаги пала-партишлик, талабчанликнинг сустлиги ҳам маҳсулот сифатининг яхшиланишига маълум даражада тўсқинлик қилмоқда. Ваҳоланки, техника контроли хизмати ходимлари маҳсулот сифатига нисбатан қаттиқ талабчанлик қилишлари, камчиликларни ҳам кўрсатиб туришлари ва унга йўл қўйган ходимга нисбатан тегишли чоралар кўриш масаласини маъмурият олдига қўйишлари керак. Лекин назоратчилар ўзларининг шундай ҳуқуқларидан тўла фойдаланишмаяпти.

Шу туфайли ҳам ўтган йили савдо ташкилотлари Чирчиқ пойафзал фабрикасида тайёрланган оёқ кийимларининг анчагина қисмини корхонага қайтариб юбордилар ёки сортини пасайтирдилар. Бир марта текширувдан ўтказилган пойафзалнинг 12,9 проценти сорт жиҳатидан камайтирилди. Бундан аввало пойафзалчиларнинг ўзлари моддий зарар кўрдилар.

Лекин шунга қарамай, фабрика раҳбарлари сон кетидан қувиб сифатга эътибор бермаслик каби одатларини ташлашмаяпти. Брак маҳсулот ишлаб чиқариш, паст сортли пойафзални юқори сортлар билан ўтказишга интилиш ҳамон давом этмоқда. Фикримизнинг далили учун қатор мисоллар келтириш мумкин. Шу йилнинг январь ойида савдо ташкилотлари фабрикадан олинган бир қанча пойафзални текширувдан ўтказди. Оқибатда унинг 9 проценти сорт жиҳатидан камайтирилди. Шунда ҳам фабрика раҳбарлари маҳсулот сифатини яхшилаш ҳақида қайғуришни ҳаёлларига келтиришмади. Меҳнаткашлардан кўплаб ариза ва шикоятлар тушаверди. Буни ҳисобга олган савдо ташкилотлари шу йилнинг июнь ойида яна бир текширув ўтказдилар. Бунинг учун турли хил пойафзаллардан 820 жуфти танлаб олинди. Унинг 4,1 проценти ишловини охирига етказиш учун корхонага қайтариб юборилди, турли нуқсонлари бўлган ўнлаб оёқ кийимларнинг сорти камайтирилди.

Кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи айрим бошқа корхоналарда ҳам маҳсулот сифати талаб даражасида эмас. Янгийўлдаги кондитер-ачитқи бирлашмасида ишлаб чиқаришнинг бу муҳим кўрсаткичини яхшилашга кам эътибор берилмоқда. Шу йилнинг биринчи кварталида стандартлар комитети ходимлари бу бирлашма ишлаб чиқарган ширинликларнинг бир туркумини текширдилар. 45,4 проценти брак деб топилди ва қайта ишлаш учун корхонага юборилди. Бирлашма раҳбарлиги ва жамоат ташкилотлари бундан ўзларига тегишли хулосаларни чиқариб олишмади. Маҳсулот сифатини яхшилаш ва ассортиментини кенгайтириш юзасидан ҳеч қандай чора-тадбирлар кўрмадилар. Натижада маҳсулот сифати яхшиланиш ўрнига яна ёмонлашиб кетди. 1968 йилнинг июнь ойида ўтказилган иккинчи текширув натижасида ширинликларнинг 70 проценти бракка чиқарилди ва қайтадан ишлаб чиқаришга юборилди. Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикаси маҳсулотларининг сифати ҳақида ҳам шундай гапларни айтиш мумкин.

Бу корхоналарнинг раҳбарлари харидорни ранжитмаслик, маҳсулот сифатини яхшилаш учун шошилинч чоралар кўришлари керак. Буюмлар қанчалик яхши бўлса, ундан аввало пойафзалчи, қолаверса харидор, давлат шунчалик кўп наф кўради. Шундай қилинса, совет кишиларининг кун сайин ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини тўла қондиришга муносиб ҳисса қўшилган бўлади.

М. МИРҲАМИДОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Қумри Ризаева бир неча йилдан бери «Қизил тонг» фирмасида тикувчилик қилади. У смена нормаларини 130-140 процентга етказиб адо этмоқда. Ўзининг намунали хизмати билан ёшларга ўрнак бўлаяпти.

Н. Тўраев фотоси.

ЁНАРИҚЛИК ОЛИМ

Яқинда «Маданият» колхози клубида ажойиб учрашув бўлди.

Геология ва минерология фанлари доктори, машҳур олим Обидхўжа Акромхўжаев ҳамқишлоқлари ҳузурига меҳмон бўлиб келди. Олим ижодий режалари ҳақида, фан оламидаги янгиликлар тўғрисида, Ёнариқ қишлоғида ўтган ёшлиги ҳақида гапирди.

Таниқли геолог Хабиб Абдуллаев ёш О. Акромхўжаевнинг талантига юксак баҳо берар, уни ўзига яқин тутиб, Озарбайжонга нефть қазиш сирларини ўрганишга юборганди. Ёш олим Бокудан қайтиб келгач, қидирув ишларига бошчилик қилди, нефть булоқларини топишда жонбозлик кўрсатди.

«Фарғонада чуқур қатламлардаги газ ва нефть» илмий иши учун фан кандидати унвонини олди. «Фарғонадаги фойдали қазилмаларнинг истиқболи» деган темадаги диссертациясини муваффақиятли ёқлаб геология ва минерология фанлари доктори бўлди.

Олим жуда кўп экспедицияларга бошчилик қилган, илмий ишлар яратган, шогирдлар тарбиялаган. Уст-Юрт сирларини очишда актив иштирок этган. У мураккаб шароитларда шогирдлари билан «Қорақум», «Қизилқум» чўлларида, Фарғона водийсида, қўҳна Бухорода қазилма ишлари олиб борди, бебаҳо хазиналар калитини топди.

Учрашувда «Маданият» колхози бош агрономи, Обидхўжа аканинг тенгдоши ва дўсти Ғулом ака Азимов, колхоз партия ташкилотининг секретари Ҳикмат Мурватов, 43-мактаб директори Зокир Бекмухамедов ва бошқа ўртоқлар ҳамқишлоқлари билан фахрланишларини айтдилар.

Р. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Орджоникидзе райони.

БАРАКАЛИ МЕҲНАТ

(РЕПОРТАЖ)

Баҳайбат кран қудратли пўлат чангалида оғир панелни енгилгина кўтариб, бирзумда тепага олиб қўйди. Монтажчилар уни мустаҳкамлашга киришишди.

Объектда иш қизғин бораяпти. Бир томонда монтажчилар, иккинчи томонда бетончилар, учинчи томонда ғишт терувчилар, дурадгорлар. Бетон, панеллар ортган автомашиналар кетма-кет келиб турибди.

— Павлик Небов, — қўлини карнай қилиб қичқирди кимдир учинчи қаватдан, — бетонни узатвор.

— Азаматга ҳеч дам беришмайди, эрталаб чиққанича овқатланишга зўрға туша олади, — кулиб қўйди биздан сал нарироқда турган йигит.

— Фамилиясининг мос тушганини айтмайсизми? Ҳамиша осмонда.

— Кран тинмаган жойда иш баракали бўлади, — дейди ҳамроҳимиз, участка бошлиғи Баҳодир Зокиров. — Бу бино зарбдор объектларимиздан. Иш кўрсаткичлари 130—140 процентдан кам бўлмаяпти. Юринг, яхшиси бир бошдан кўрайлик.

Мурод Ҳолиқов бошлиқ ғишт терувчилар бригадасидамиз. Пойдевор қилаётган Райния опанинг чаққон қўллари бир зум тиним билмайди. У бошқарманинг энг илғор бунёдкорларидан. Яқинда «Тошкент бунёдкори» деган значок билан тақдирланди. Куилик нормасини 160—170 процентдан ошириб бажариш унга одат. Ишининг сифати билан доимо ўрнак бўлувчи Фарҳод Шоназаров ҳам Райния опадан қолишмайди.

Мурод аканинг қўллари ғишт теришда бўлса ҳам, кўзлари шогирдларида, уларга ҳардам назар ташлаб туради:

— Ҳожимурод, бурчак чиқаришдан олдин шовунни қўй. Қилган меҳнатларинг зое кетмасин.

Янги шогирдликка келган Ҳожимурод Шарипов ғиштни тез терай, деб шовун билан ўлчаб кўришга эринган эди. Уста вақтида шундай танбеҳ берди...

Слава Миллер бошлиқ монтажчилар бригадаси аъзолари тўртинчи қават панелларини монтаж қилишга эндигина тугишганлар. Бу уларнинг графикдан анча ўзиб кетганларини кўрсатади — планга мувофиқ ҳали учинчи қаватда ишлашлари керак эди.

— Тошкент давлат политехника институтининг биз қураётган бу биносида, — дейди прораб А. Кварацеюс — келаси йили студентлар ўқишни бошлаб юборишлари лозим. Лабораторияларга жуда кўп асбоб-анжом, ускуналар ўрнатилади, шунинг учун мураккаб бинони муддатидан илгари фойдаланишга топширишимиз зарур. Ҳозир бир дақиқа вақтни ҳам бекорга ўтказмаяпмиз.

— Бу уч бригада, — деб қўшиб қўйди участка бошлиғи, — Тошкент Давлат университетининг бош корпусини янги ўқув йили олдидан фойдаланишга топширишда муносиб ҳисса қўшишди.

6-қурилиш трестининг 7-бошқармасида Мурод Ҳолиқов, Слава Миллер, Гриша Савельев ўртоқлар бошлиқ бригада аъзоларининг самарали меҳнати ҳақида илиқ гапларни айтишди.

Пешқадамлар москвалик архитекторларининг мураккаб лойиҳаларини пухта рўёбга чиқаришда намунали ишлашяпти.

Б. ПУЛАТОВ.

ҚУВОНЧ УСТИГА ҚУВОНЧ

Пермь қурилиш-монтаж поездининг қўли гул бунёдкорлари пойтахтимиз аҳолисини янги, кўркам турар-жой бинолари билан хушнуд этмоқда.

Яқинда улар «Марказ-5» мавзесида яна учта турар-жой биносини фойдаланишга топширишди. 168 оила бу ерда ҳовли тўйлари ўтказишди.

— Шу кунларда, — дейди қурилиш-монтаж поездининг бошлиғи ўртоқ Г. Сушевский, — 36 хонадонга мўлжалланган тўққиз қаватли бино тиклаяпмиз. Яқин вақтлар ичида бу уйни ҳам тошкентликларга туҳфа этамиз.

Пермлик бунёдкорлар коттедж типидаги бинолар қурилишини ҳам тезкорлик билан олиб боришаяпти. 12 та коттедж сентябрь ойининг охирида, яна шунчаси октябрь ойида фойдаланишга топширилади.

Меҳнатсевар коллектив доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун суръатга-суръат қўшиб ишламоқда. З. Лопатина, Н. Югова, А. Коровина, И. Данилнина ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари кунлик топшириқларини доимо ортиғи билан бажаришга эришмоқдалар.

А. КИМ.

БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБДОРЛАРИ

ОЛМАЛИҚ кон металлургия комбинатининг олтингугурт кислотаси ишлаб чиқариш цехи коллективи қувончли ютуқларга эришмоқда. Аппаратчилар Люда Тараник ва Люда Зиковалар бу ютуққа муносиб ҳисса қўшишмоқда.

А. Горокрик фотоси (ЎзТАГ).

Пайвандчи Александр Сапожников ва монтажчи Виктор Усенко Навоий кўчасида қад кўтараётган беш қаватли марказий универмаг биносини қурилишида ўрнак кўрсатмоқдалар. «Висотстрой»нинг 11-трестига қарашли 2-қурилиш бошқармаси бинони беш йиллик охирига фойдаланишга топширишга аҳд қилган.

Н. Ключиев фотоси. (ЎзТАГ).

РЕМОНТЧИЛАР ВАХТАДА

Оҳангарондаги Марказий ремонт заводи коллективи В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун бошланган умумхалқ ҳаракатида актив иштирок этмоқда.

Шу кунларда барча ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар ана шу улуғ сана шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлашяпти.

Оҳангарон шахтерларининг унумли ишлаши кўп жиҳатдан ана шу корхона ремонтчилари хизматига боғлиқ. Чунки кўмир конларида фойдаланилаётган экскаваторлар, транспортерлар, бульдозерлар, тракторлар ва бошқа шу каби агрегатлар ана шу завод коллективи томонидан ремонт қилинмоқда ва қайта тикланяпти. Шуни ҳисобга олган ремонтчилар ишни жадаллаштириш билан бирга унинг сифатини ҳам кўнгилдагидек бўлишига эришиш учун астойдил курашмоқдалар. Натижада давлат планлари ортиғи билан адо этилмоқда, ишлаб чиқаришнинг барча кўрсаткичлари ойдан-ойга ортиб бормоқда.

Ремонтчилар ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш саккиз ойлик планини 105 процент қилиб адо этишди. Ремонт ишлари ҳажми ўтган йилнинг шу даврдагига қараганда 10 процентдан зиёд, меҳнат унумдорлиги эса 16,2 процент ортди. Коллектив қўлга киритилган бу ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун ишни янада жадаллаштирмоқда.

ИЖОДИЙ СОЮЗЛАР УЙИ

Бу лойиҳа устида бир ярим йилдан ортиқ вақт ижодий иш олиб борилди.

«Ташгипрогор» архитектура-лойиҳалаштириш институти томонидан бажарилган Республика ижодий союзлар уйининг комплекс биноси лойиҳаси изланиш натижасида вужудга келди.

Архитекторлар олдида ҳам, рассомлар олдида ҳам, инженерлар олдида ҳам ягона мақсад турарди: бино композитор, ёзувчи, рассом, артист, меъмор — соҳиби қалам ва санъаткорларга манзур бўла оладиган бўлиши лозим эди. Шунинг учун лойиҳа яратишни ўз устларига олган архитекторлардан А. Косинский, С. Шуваева, А. Ануфриев, рассом Л. Полищчук, инженерлардан А. Асанов, Ю. Иванниковлар янги бинонинг кўркам бўлиши устида меҳнат қилдилар.

Лойиҳа кенг жамоатчилик муҳокамасидан муваффақиятли ўтди. Пировардида уни Ўзбекистон ССР Архитекторлар союзи маъқуллади.

Республика ижодий союзлар уйи шаҳримиз марказида қад кўтаради. Навоий ва Горький кўчалари туташган чорраҳа яқинидан уйга катта майдон ажратилди.

Бино миллий архитектура услубида қурилади. Бинонинг ўртаси марказий зал учун ажратилган. Гилам усулида ишланадиган панно бино ҳуснига ҳусн қўшади. Ҳовли, сўри, ариқлар ҳам бўладики, булар бино ўзига хос миллий услуб асосида қурилишидан далолат беради.

Ҳашаматли бино ишга тушгач, ижодий союзлар бу ерга кўчиб киради лар.

СОВЕТ — БОЛГАРИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг таклифига биноан Болгария Коммунистик партиясининг Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси ўртоқ Тодор Живков ва Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Живко Живков 16 сентябрда дўстлик визити билан Москвада бўлдилар.

Болгариялик ўртоқлар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев билан, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин билан ва КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. Ф. Катушев билан суҳбатлашдилар.

СССР ва Болгария Халқ Республикаси коммунистик партиялари ва ҳукуматлари раҳбарлари ўртасидаги суҳбат вақтида улар ҳар иккала мамлакатда коммунизм ва социализм қуришга КПСС билан Болгария Компартияси ўртасидаги, СССР билан Болгария Халқ Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир актуал масалалар устида фикрлашиб олдилар. Иккала томонни қизиқтираётган ҳозирги халқаро вазият масалалари ҳам қараб чиқилди. Жаҳондаги социализм позицияларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва империализм кирдикорларига берилаётган зарбани кучайтириш мақсадида бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда СССР ва Болгария Халқ Республикаси сарфлаётган куч-ғайратларни янада бирлаштириш вазифасига суҳбатларда катта эътибор берилди. Шу хусусда гап борганида, қардошларча совет-болгар муносабатларининг муҳокама қилинган ҳамма масалалари юзасидан ва халқаро проблемалар юзасидан қарашларнинг батамом бир хил эканлиги яна тасдиқлаб ўтилди.

Болгариянинг раҳбар арбоблари Москвада бўлган вақтда совет-болгар иқтисодий ҳамкорлигини амалга оширишга, СССР билан Болгария Халқ Республикасининг 1971—1975 йиллардаги халқ хўжалик планларини координациялашга ва Болгария халқ хўжалигини шу давр ичида янада ривожлантиришга алоқадор кўпгина масалалар устида, шунингдек 1969 ва 1970 йилларга оид бир қанча иқтисодий масалалар устида ҳам музокаралар олиб борилди. Ана шу музокаралардан олдин иккала мамлакатнинг план органлари катта иш қилдилар.

Болгария халқ хўжалигини янада ривожлантириш ҳамда Совет Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш мақсадида Совет Иттифоқидан Болгария Халқ Республикасига бир қанча болгар товарлари эвазига нефть, газ ва электр энергияси етказиб бериш тўғрисида принцип жиҳатидан келишиб олинди. Болгария Халқ Республикасига қора металлар, ёғоч, целлюлоза ва Болгария экономикаси учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа товарлар етказиб бериш тўғрисида келишиб олинганлиги ҳам иккала мамлакат учун катта аҳамиятга эгадир. Совет Иттифоқининг халқ хўжалиги ўз навбатида Болгария Халқ Республикаси саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, жумладан, рангли металлар, кенг истеъмол молларини, химия саноати тармоқлари маҳсулоти ва бошқа маҳсулотларни қўшимча равишда оладиган бўлади.

Томонлар Болгария саноатининг бир қанча тармоқларини ривожлантиришда ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида келишиб олдилар. Химиявий маҳсулотлар ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи бир қанча саноат корхоналарини барпо этишда Совет Иттифоқи Болгария Халқ Республикасига ёрдам беришга тайёр эканлиги изҳор қилинди. Шу мақсадда Совет Иттифоқи Болгарияга турли асбоб-ускуналар юборади ва зарур техникавий ёрдам кўрсатади. Ўз навбатида Совет Иттифоқида болгар ишчилари ёрдами билан чўян ишлаб чиқарувчи қўшимча қувватлар барпо этилади. Болгария халқ хўжалиги эҳтиёжларини қондириш учун юбориладиган ёғоч тайёрлаш кенгайтирилади, шунингдек ўз маҳсулотини Болгария Халқ Республикасига ҳам юборадиган бир қанча бошқа корхоналар қурилади. Жумладан, Болгария Халқ Республикасига етказиб бериладиган целлюлоза ишлаб чиқарувчи заводни биргаликда куч-ғайрат сарфлаб қуриш мўлжалланмоқда.

Эришилган келишувга мувофиқ Совет Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикасининг план органлари ва ташқи савдо органлари мазкур музокаралар вақтида муҳокама қилинган масалаларга оид зарур битимни 1968 йил 1 декабргача имзолайдилар.

Совет ва болгар томонлари мазкур учрашувнинг натижалари Болгария ва Совет Иттифоқи халқ хўжалигини янада ривожлантириш манфаатларига мос бўлиб тушади. Болгария Халқ Республикаси экономикасини ривожлантиришнинг беш йиллик планини тузиш ишларини ниҳоясига етказмоқ учун қулай шароит вужудга келтиради ва иккала мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама самарали иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун янги истиқболлар очиб беради, деб ишонганликларини изҳор қилдилар.

Музокаралар қардошларча дўстлик, самимият ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

ТОШКЕНТ ИСТИҚБОЛИНИ ЎЙЛАБ

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва «Главташкентстрой» органи «ТОШКЕНТ БИНОКОРИ» газетасининг 15 сентябрь сони «Шаҳримиз обод, кўркам ва озода бўлсин» умумий сарлавҳаси остида қўш саҳифа билан чиқди.

Ушбу саҳифаларда Тошкентнинг бугуни, эртаси ва унинг порлоқ истиқболи хусусида кенг фикр юритилади. Шу билан газета «Тошкентимиз истиқболи» деган темада очиқ мунозара эълон қилиб, лойиҳачилар, архитекторлар, бинокорлар ва барча газетхонларни шу мунозарага қатнашишга таклиф этади.

Қўш саҳифада техника фанлари доктори, профессор Аббос Ашрапов, техника фанлари кандидати Эркин Қосимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг катта референти, бинокор-инженер Муртазо Султонов, архитектор Даврон Раҳмонов ва бошқа ўртоқлар Тошкент қурилиши билан боғлиқ бўлган муҳим проблемалар хусусида қимматли фикр ва мулоҳазалар билдирганлар.

Профессор А. Ашрапов «Авлодлар кўзи билан» сарлавҳали материалида асосан ғиштли иморатлар қуришни тавсия этади. Шунингдек у, маданий-маиший бинолар, ўқув муассасалари бинолари лойиҳасидаги камчиликларни танқид қилади, республикада архитектура ва бинокорлик илмий-текшириш институти тузиш лозимлигини уқтиради.

Бинокор-инженер М. Султонов ҳам барчани қизиқтирган муаммолар устида тўхталган.

«Ц-1», «Ц-2» деб номланаётган кварталлар кишида таассурот қолдирмайди, завқлантирмайди, —деб ёзади у. —Улар ўрнига «Висол даҳаси», «Навоий даҳаси», «Фароғат даҳаси», «Коммунизм даҳаси» каби номлар қўйилса, қандай яхши бўларди.

Автор шаҳримиз марказини кўкаламзорлаштиришга ҳам барчанинг эътиборини қаратган. Олимларимизнинг фикрича, дарахт ва нав-ниҳоллар ҳаводаги 50 процент чанг-тўзонни тозалаб, куннинг энг қизиган вақтларида 15 даражагача ҳароратни пасайтиради. Шундай экан, шаҳар қурилиши билан бирга уни кўкаламзорлаштиришга ҳам алоҳида эътибор бериш керак.

Кўпчилик биноларни безашда ғарб архитектурасига тақлид қилинаётганлиги, бой миллий архитектура меросимиздан жуда кам фойдаланилаётганлиги архитектор Даврон Раҳмоновнинг «Замон талабига мос бўлсин» сарлавҳали мақоласида танқид қилинади.

Авторнинг фикрича, Чилонзордаги каби кварталларни кетма-кет, қаторлаштириб қураверищ ярамайди. Шаҳар қурилиши айланма шаклда олиб борилса, янги турар-жой массивлари бунёд этилаётганда улар ёнида турли муассасалар, маданий-маиший бинолар, корхоналар қуриш ҳам планлаштирилса, шаҳарда транспорт муаммоси тезроқ ҳал бўларди.

Газетанинг учинчи саҳифаси Тошкент истиқболи хусусидаги мулоҳаза, мунозара ва таклифлар мажмуаси билан чиққан. Бу саҳифада Ўзбекистон ССР Архитекторлар союзи правлениесининг раиси А. Бобохонов, правление раисининг ўринбосари Т. Қодирова, Тошкент шаҳар бош архитектори Ф. Турсунов ва бошқа мутахассислар бу борада фикр ва мулоҳаза юритишган. Қурилиш ташкилотлари, лойиҳалаш муассасалари олимлар ва мутахассисларнинг газетада эълон қилинган фикрлари асосида замонавий кўркам ва обод шаҳар бунёд этиш борасида улар билан бамаслаҳат иш тутишлари талаб этилади.

«Тошкент бинокори» газетаси бу масалага жамоатчилик фикрини қаратиб, жуда тўғри иш қилган.

Т. Бурцева ва Н. Екимповалар пойтахтимиздаги шарико-подшипник заводида пешқадамлар сафида меҳнат қилишмоқда. Улар беш йиллик учинчи йили топшириғини барвақт бажариш учун курашга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

А. Тўраев фотоси.

СОҲИБКОРЛАР

Куз. Боғларда мевалар ғарқ пишди. Ишкомларда мунчоқ-мунчоқ осилган биллур узумлар қуёш нурида ялт-ялт товланиб кўзни қамаштиради. «Нимранг», «Ҳусайни», «баян-ширин»лар роса шира тўплабди.

Салкам 50 гектар ерни эгаллаган боғда узум шундай пишиптики, асло қўяберасиз. Ҳар бир тупда мўлжалдагидан кўпроқ ҳосил етиштирилганлиги кўриниб турибди.

Иккинчи участканинг бошлиғи Ўринбой Тўрақулов соҳибкорларнинг ишлари ҳақида мароқ билан гапириб берди.

— Токларимизнинг ҳаммаси ҳосилга кирган. Ўтган йили бир қанча камчиликларга йўл қўйиб мўлжалдаги узумни ололмадик. Шу сабабли бу йил эрта кўкламдан бошлаб баракали ҳосил етиштиришга жиддий киришдик. Соҳибкорлар ҳар бир туп токни меҳр билан парвариш қилдилар. Об-ҳаво қийинчиликлари соҳибкорларимизнинг ишини анча орқага сурди. Шунга қарамай ишни пухта ташкил қилдик. Меҳнатимиз зое кетмади. Ўтган йилдагига қараганда деярлик икки баравар кўп ҳосил етиштирдик.

Участка бошлиғи сўзини тамом қилмаган ҳам эдики, тракторчи Решад Қодиров келиб қолди. У прицепга 60 га яқин яшик узумни ортиб олган эди.

— Бугун, — деди тракторчи, — бешинчи марта қатнашим. Шундай тиғиз кунларда нормамни икки-уч баравар қилиб бажармасам, кўнглим ўрнига тушмайди. Узилган узумларни тезроқ тайёрлов пунктига топширмасак, бир қисми чириб, нобуд бўлиши мумкин.

Ҳақиқатан ҳам Решад Қодиров ўзига топширилган вазифани сидқидилдан бажаряпти. Рами Исаев, Синавер Зайниддинов каби тракторчилар ҳам 8—10 тоннага етказиб узум ортишяпти. Тайёрланган ҳосил вагонларга юкланиб, Россиянинг узоқ шаҳарларига жўнатилиб турилибди.

Ишкомларга кирадиган йўлкалар олдида қанчадан-қанча яшиклар қалашиб ётибди. Булар ҳозиргина келтирилган. Яна икки-уч соатдан кейин соҳибкорлар уларга ширин-шакар узумларни жойлаштирадилар. Ана сочини рўмол билан ўраб олган бир аёл кенг ишкомлар орасидан келяпти. У икки пақир узумни ерга қўйиб, сортларга ажратди, авайлаб яшикларга жойлаштирди.

Участка бошлиғи бу ҳаракатчан аёл ҳақида илиқ гапирди. Урия Қодирова умрининг ярмини шу боғзорда ўтказибди. Ток очилишидан бошлаб, то кўмилгунга қадар ҳамма ишларда фаол қатнашади, чарчаш нима эканлигини билмайди. Унинг бир кунлик узган узуми 700 килограммга етяпти. Шундай қилиб, ўртоқ Қодирова кунига беш нормани бажаряпти. Биз бухгалтер, ҳисобчилар билан гаплашиб, ўртоқ Қодированинг бир кунлик иш ҳақи қанчага тўғри келаётганлигини сўрадик. 12 сўмга етар экан. Ойлик иш ҳақи эса мавсумда 360 сўмга тўғри келяпти. Қандини урсин, соҳибкор!

Қаюм Усмонов ва бошқалар ҳам суръатга суръат қўшишяпти. Ҳар куни участка ишчилари 1100 дона яшикка узум жойлаштириб, жўнатмоқдалар. Участка соҳибкорлари, кеча узум топшириш планини икки баравар қилиб бажардик, бугун-эрта топшириқни уч бараварга етказишга ҳаракат қиламиз, дейишяпти.

Ишчилар мева топширишни ҳам тезлаштиряптилар. Сотиш плани 1,5 баравар қилиб бажарилди. Сабзавот плани эса 130 процент бажарилди. Имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна бир неча юз тонна қўшимча сабзавот топшириш мажбуриятини олдилар соҳибкорлар.

— Умуман, — дейди бўлим бошлиғи ўртоқ Ўринбой Тўрақулов, — бу йил шаҳар меҳнаткашларга кўплаб ноз-неъматлар етказиб бериш юзасидан олган ваъдамизнинг устидан тўла чиқамиз. Камида 1500 тонна маҳсулот топширамиз.

Қош қорайди. Бўлимда иш тўхтагани йўқ. Соҳибкор ва сабзавоткорлар ҳалол меҳнат қилиб етиштирилган маҳсулотларини тезроқ тайёрлов пунктларига жўнатишга ошиқмоқда.

Х. ЭРАЛИЕВ,

Усмон Юсупов номли комбинатга қарашли «Янгийўл» совхози.

Қабул пункти ходимлари сараланган узумларни авайлаб секин-аста машиналарга жойлаштириб, узоқ шаҳарларга жўнатишмоқдалар. Суратларда: (юқоридан) қабул пунктининг мудири Муневер Хабибуллаева ва совхоз таъминот бўлимининг бошлиғи Умар Хўжаев ҳозиргина келтирилган узумларни кўздан кечиряптилар. Пастдаги суратда: моҳир соҳибкор Урия Қодирова ва бўлим бошқарувчиси Ўринбой Тўрақулов ўртоқлар узумни чамалаб кўришяпти.

Автор фотолари.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

САВЛАТ УЧУНМИ?

Ўртоғим Валижон «кўричак» касали билан оғриб қолди.

«Тез ёрдам» машинасини чақирай деб, кўчага отилдим. Академия шаҳарчасидаги 11-уй ёнида ўрнатилган автомат телефон будкасига кирсам, қутиси бор-у, трубкаси йўқ. Ажабо буниси қандоқ бўлди деб, нариродаги будкага кирсам, қутисидан ҳам дарак йўқ.

Хуллас шу туни 6—118, 6—119, 6—120, 6—121 номерли автомат телефон будкаларига кириб ҳожатим чиқмади.

Хунобим ошиб, жуда хафа бўлдим. Кеч соат икки эди. Почта ҳам ишламайди.

Қаёққа борсам экан, деб бошим қотди. Бир остановка халлослаб юриб, «Височовольтний» массивида ўрнатилган 6—114, 6—115, 6—116 ва 6—117 номерли автомат телефон будкаларига ҳам бирма-бир кириб чиқдим. Ҳаммаси савлат тўкиб турибди, на трубкаси бор, ва на қутиси!

Ниҳоят, кўчадан такси тўхтатиб ўртоғимни касалхонага жойлаштирдим.

Куйбишев районидаги Академия шаҳарчасида ва аҳоли зич яшайдиган массивда ўрнатилган автомат телефонлар шундай аҳволга тушиб қолганини шаҳар телефон станциясининг раҳбарлари наҳотки билишмаса? Шу ҳам меҳнаткашларга хизматми?

А. КАТТАЕВ.

МАМЛАКАТЛАР ВА ҚИТЪАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР МАҚОЛАЛАР ВОҚЕАЛАР

БОЛГАРИЯ, ЧЕХОСЛОВАКИЯ, ПОЛЬША, ВЕНГРИЯ, ГДР ВА СОВЕТ ИТТИФОҚИ КАСАБА СОЮЗЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ КЕНГАШИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН АХБОРОТ

1968 йил 14 сентябрда Будапештда Болгария, Чехословакия, Польша, Венгрия, ГДР ва Совет Иттифоқи касаба союз марказлари вакилларининг кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашда қуйидагилар иштирок этдилар:

Болгария касаба союзлари марказий кенгаши раиси Роза Коритарова бошчилигидаги Болгария касаба союзлар делегацияси,.

Касаба союзлари марказий кенгаши раиси Карел Полачек бошчилигидаги Чехословакия касаба союзлари делегацияси,

Касаба союзлари марказий кенгаши раиси Игнаци Лога-Совиньский бошчилигидаги Польша касаба союзлари делегацияси,

Умумвенгрия касаба союзлари кенгаши бош секретари Шандор Гашпар бошчилигидаги Венгрия касаба союзлари делегацияси,

Бирлашган эркин немис касаба союзлари марказий правлениесининг раиси Герберт Варнке бошчилигидаги ГДР касаба союзлари делегацияси.

ВЦСПС раиси Александр Шелепин бошчилигидаги Совет касаба союзлари делегацияси.

Тўла ошкора ва ўртоқлик вазиятида ўтган учрашувлар чоғида ҳар томонни қизиқтирувчи масалалар юзасидан дўстона фикрлашиб олинди.

Учрашув чоғида халқаро касаба союз ҳаракатининг ҳозирги ривожланиш масалалари, касаба союзларининг бундан буёнги ўзаро алоқалари ва ҳамкорлиги масалалари муҳокама қилинди. Кенгаш қатнашчилари Москвада тузилган Совет—Чехословакия битими ЧССР даги аҳволни нормаллаштириш учун реал замин вужудга келтиради, деган фикрга келдилар. Ҳозирги вақтда мазкур битимларнинг амалга оширилиши Чехословакия ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларининг энг муҳим вазифасидир.

Кенгаш қатнашчилари шу нарсани мамнуният билан қайд қилдиларки, мамлакат ишчилар синфининг энг оммавий ташкилоти бўлган Чехословакия касаба союзлари Москва битимини қўллаб-қувватлайдилар ҳамда мазкур битимдан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришга ёрдам бериш вазифасини масъулият ҳиссини сезган ҳолда ўз зиммаларига олдилар.

Болгария, Польша, Венгрия, ГДР ва СССР касаба союзлари Москва битимини бажаришда ўз мамлакатлари ишчилар синфининг ЧССР меҳнаткашлари ва касаба союзлари билан чуқур бирдам эканлигини изҳор этдилар ва Чехословакиянинг уюшган меҳнаткашлари ва халқи ЧКП раҳбарлиги остида ўз олдида турган мураккаб вазифаларни бой революцион традициялар асосида бажара олади, деб ишонч билдирдилар.

Олти социалистик мамлакат касаба союзларининг вакиллари ЧКП Марказий Комитетининг январь ва май пленумлари қарорларига мувофиқ, ЧССРда амалга оширилаётган ва ўтмишдаги хатоларга барҳам беришга қаратилган чораларни тушунганликларни билдирдилар. Улар шунга ишонч билдирадиларки, ишчилар синфи ҳокимиятини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш, ўтмишда йўл қўйилган хатоларни тузатиш, социалистик демократияни тағин ҳам кенг қулоч ёйдириш, социалистик жамиятни ривожлантириш ишида энг муҳим гаров бўлиб хизмат қилади. Ишчилар синфининг бу кураши социализм қуришда етакчи куч бўлган коммунистик партия раҳбарлигидагина муваффақиятли бўлиши мумкин.

Кенгаш қатнашчилари ЧССР да январь пленумидан кейинги ижобий жараёндан социализмга қарши ошкора ёки ниқобланган ҳолда ҳужум қилишда, душманликдан иборат миллатчилик ва антикоммунистик кайфиятларни авж олдиришда фойдаланмоқчи бўлган кучларга қарши чиқиш учун қатъий ирodaларини изҳор қилдилар.

Кенгаш қатнашчилари шу заилда ЧССР даги аҳволнинг тезроқ нормаллашишига кўмаклашиш ва бу билан Чехословакия территориясида вақтинча турган иттифоқчилар қўшинларининг секин-аста олиб чиқиб кетилишига ёрдам бериш мумкинлигига ишонч билдирдилар. Олти социалистик мамлакатларнинг касаба союз раҳбарлари сўнгги бир неча ўн йил мобайнида касаба союзлар ўртасида қарор топган ҳамкорликни бундан буён ҳам ривожлантириб бориш зарур, деган фикрга келдилар. Олти мамлакат касаба союз марказлари ўз мамлакатларининг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашда ўз партиялари ва ҳукуматларига бундан буён ҳам бутун чоралар билан ёрдам кўрсатаверадилар. (ТАСС).

Будапешт, 1968 йил 14 сентябрь.

ТОШКЕНТ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА

ПНОМПЕНЬ, 16 сентябрь. (ТАСС). Камбоджа ёзувчилар уюшмасининг раиси, Камбоджа миллат мажлисининг депутати Чинь Хаоний ва уюшманинг бош секретари Дик Кимдан иборат Камбоджа ёзувчилари делегацияси Осиё ва Африка ёзувчиларининг Тошкентда ўтказиладиган конференциясида қатнашиш учун кеча Пномпендан Совет Иттифоқига учиб кетди. Делегация Алишер Навоийга бағишланган юбилей сессиясида ҳам иштирок этади.

ЧЕГАРАДА ОТИШМА

ПНОМПЕНЬ, 16 сентябрь. (ТАСС). Кхмер пресс агентлиги хабар беради: Америка-Сайгон қўшинлари 7 сентябрдан 8 сентябрга ўтар кечаси Прейвенг вилоятининг Преамхор округида жойлашган Камбоджа соқчилик постини миномётлардан ўққа тутдилар.

Миналардан бирининг портлаши натижасида бир аёл ва уч гўдак оғир ярадор бўлди. Улардан бири (у бир яшар эди) касалхонага олиб кетаётганларида вафот этди.

АГРЕССОРЛАР ТАЛАФОТ КЎРМОҚДАЛАР

ХАНОЙ, (ТАСС). Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучларининг Лонган вилоятида ҳаракат қилаётган жангчилари сентябрь ойининг дастлабки ўн куни ичида бўлиб ўтган жанглар вақтида душман солдат ва офицерларидан 550 кишини, шу жумладан, Америка қўшинларининг 200 дан кўпроқ ҳарбий хизматчисини сафдан чиқарганлар. ВИА агентлигининг озодлик агентлиги маълумотига асосланиб берган хабарига кўра, Жанубий Вьетнам ватанпарварлари 5 вертолётни уриб туширганлар ва кўп микдорда қурол-яроғ ҳамда ҳарбий анжомларни ўлжа қилиб олганлар.

Озодлик кучларининг жангчилари 2 сентябрда Бьетхоа вилоятида Сайгондан 25 километр шарқи-жанубдаги Доноа даресида 2 десант кемасини ғарқ қилиб юборганлар. Ватанпарварлар 6 сентябрда Жанубий Вьетнам пойтахтидан 40 километр шарқи-жанубдаги Ҳаово дарёсида американинг 10 минг тонна ҳажмли танкерини ёндириб юборганлар.

ХАЛҚАРО БИРЛИК УЧУН

БУДАПЕШТ, 16 сентябрь. (ТАСС). 15 сентябрда Будапештда Болгария, Чехословакия, Польша, Венгрия, Германия Демократик Республикаси ва Совет Иттифоқи касаба союз марказларининг раҳбарлари жаҳон касаба союзлари федерациясининг раиси Р. Битосси билан ҳамда жаҳон касаба союзлари федерацияси бош секретарининг ўринбосари П. Жансус билан учрашиб, олти мамлакат касаба союзларининг шу йил 14 сентябрда бўлган мунозаралари ва қабул қилган ахборот тўғрисида уларни хабардор қилдилар. Жаҳон касаба союзлари федерацияси фаолиятини ривожлантириш манфаатларини кўзлаб, биргаликда кучғайрат сарфлаш йўли билан ҳал қилинадиган вазифалар тўғрисида маслаҳатлашиб олинди.

Жаҳон касаба союзлари федерацияси билан олти социалистик мамлакат касаба союз марказларининг вакиллари пролетар интернационализми принципи асосида бутун дунё касаба союзлари ўртасида қардошлик алоқалари ва ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беришга қатъий бел боғлаганликларини билдирдилар.

ИҒВОГАРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОММАН, 16 сентябрь. (ТАСС). Кеча кечқурин Иордания ва Исроил қўшинлари ўртасида яна отишма рўй берди. Иордания ҳарбий вакилининг бугун бу ерда маълум қилишича, Исроил қўшинлари Иордан дарёси водисида, Караме районида Иордания қўшинларининг позицияларига қарата тўплардан ўт очиб отишма чиқарганлар. Иордания қўшинлари жавоб ўти очганлар. Иордания тарафидан талафот йўқ.

ДИАЛЛО ТЕЛЛИ-АФРИКА БИРЛИГИ ТАШКИЛОТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ

ЖАЗОИР, 16 сентябрь. (ТАСС). Диалло Телли овозларнинг кўпчилигини-учдан икки қисмини олиб, яна Африка бирлиги ташкилотининг Бош секретари қилиб сайланди. Африка бирлиги ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқлари ассамблеясининг 5-сессиясида ўтказилган яширин овоз бериш якунлари тўпланганидан кейин бугун эрталаб ана шу маълум бўлди. Ассамблея Африка бирлиги ташкилоти Бош секретарини сайлагач. Африка бирлиги ташкилоти Бош секретарининг собиқ тўрт ўринбосарини ҳам қайта сайлади.

СОВЕТ ХАЛҚИГА МИННАТДОРЧИЛИК

ХАНОЙ, 16 сентябрь. (ТАСС). Ханойда чиқадиган «Нян зан» газетаси бугун Вьетнам—Совет дўстлиги жамияти делегациясининг бошлиғи Ву Аннинг мақоласини босиб чиқарди. Мақола Вьетнам халқининг кураши билан бирдамлик ойлиги ўтказилиши муносабати билан делегациянинг Совет Иттифоқида бўлишига бағишланган эди.

Вьетнам—Совет дўстлиги жамияти делегациясининг Совет Иттифоқига қилган ҳозирги сафари, дейилади мақолада, Вьетнам билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги жанговар дўстликни тағин ҳам кучайтиришга ёрдам беради. Халқимизнинг Америка империалистлари агрессиясига қарши олиб бораётган курашида ҳамда социализм қурилиши ишида кўрсатаётган жуда катта мадад ва ёрдамлари учун биз Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, ҳукумати ва бутун халқига бутун Вьетнам халқи номидан яна бир бор самимий миннатдорчилик сўзларини йўллаймиз, деб таъкидланади мақолада.

Танзания ҳукумати мамлакатда мустамлакачиликдан мерос бўлиб қолган саводсизликни тугатишга катта эътибор бермоқда. Бошланғич ва ўрта мактаблар кўплаб очилмоқда, катталар учун махсус курслар ташкил қилинмоқда. Дарусcаломдаги университетда ЮНЕСКО экспертларининг катта группаси иш олиб бораётир. Бу группага совет мутахассислари ҳам киради. Суратда: (ўнгдан) Тамбов университетининг доценти Феликс Тарасенко ва Дарусcалом университетининг III курс студенти Бхандари лаборатория машғулотлари ўтказишмоқда. В. Сухоруких фотоси. ТАСС фотохроникаси.

БОСҚИНЧИЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

ВАШИНГТОН, 15 сентябрь. (ТАСС). АҚШ президенти лавозимини эгаллаш учун ўзаро курашаётган демократик партия номзоди Хэмфри билан республикачилар партияси номзоди Никсон Исроилга товушдан тез учар «Ф-4 фантом» типидаги қирувчи самолётлар етказиб беришни яна ёқлаб чиқдилар. Хемфри ва Никсон «Америка сионист ташкилоти»нинг ҳозирги вақтда Вашингтонда ўтаётган съездига йўллаган телеграммаларида ўзларининг Исроилни қўллаб-қувватловчи ва арабларга қарши бўлган позицияларини такрорладилар. Жумладан, Никсон ўз телеграммасида, мен Исроилнинг араб давлатларига нисбатан «ҳарбий жиҳатдан устунлиги»ни таъминлаш тарафдориман деди.

МЕТРОЛОГЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Бундан 50 йил муқаддам доҳиймиз В. И. Ленин «Мезон ва ўлчов асбобларининг халқаро метрик системасини таъсис этиш тўғрисида»ги декретга имзо чеккан эди. Шу йилнинг 14 сентябрида бу декрет таъсис этилганига ярим аср бўлди.

Шундан бери ўтган давр ичида Ватанимиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида стандартлаш ва метрология бўйича мисли кўрилмаган ютуқлар қўлга киритилди.

Айниқса, кейинги 10 йил ичида корхоналарда маҳсулотни қулай стандарт бўйича ишлаб чиқариш, мезон ва ўлчов асбоблари устидан техника назорати ўрнатиш борасида катта бурилиш ясалди. Шу даврда республикамиздаги йирик корхоналарда янги бўлимлар-стандартлаш, бош метролог бўлимлари ва ўлчов асбобларини контроль қилиш лабораториялари ташкил қилинди.

Ҳозир республикамизнинг ҳамма областида маҳсулот сифати ва ўлчов асбоблари устидан назорат ўрнатиш билан шуғулланувчи давлат назорати лабораториялари ишлаб турибди.

Яқинда мамлакатимизда метрик системанинг эллик йиллигига бағишлаб Тошкентда илмий-техника метрология конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда метрология бўйича мутахассислар метрологиянинг халқ хўжалигида қандай ташкил қилингани, ривожланиши, унинг тутган ўрни ва маҳсулот сифатини яхшилаш ҳақида ўзаро фикр алмашдилар.

Йиғилишда 300 га яқин мутахассис қатнашди. Конференция иштирокчилари пойтахтимиздаги илғор корхоналарга экскурсия уюштирдилар.

Ж. ПИРМУҲАМЕДОВ,
инженер.



ТОПИЛМАЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Яқинда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Мирвохид Ҳосимов бошлиқ полиалит отряди Оҳангарон водийсида қазилма ишлари олиб борди.

Бу ерда 1963 йили ибтидоий жамоа даврида яшаган кишиларнинг буюмлари, турли қурол-яроғ топилганди.

Қўлбулоқ деб аталган бу қароргоҳда уч ойдан кўпроқ қазиш ишлари олиб борилди. Археологлар 7-10 метрча чуқурликдан турли тош қуроллари топишди. Бу буюмларни эрамиздан 100-150 минг йил илгари яшаган одамлар яратган, деган хулосага келинди. Бир мунча дағал қилиб ишланган тош қуроллар қатори ҳайвон суякларидан ясалган учли қуроллар ҳам топилди.

Эрамиздан 50-100 минг йил илгари Мустье даврида неандертал одамлари шу Кўлбулоқ атрофида ҳам кўп яшаган эканлар. Бу даврга тегишли тўртта маданий қатлам қуроллари топилди. Найзасимон тош қуроллар, юзлаб тош қирғичлар, пичоқсимон тош қуроллари, тош кескичлар бой маълумотлар беради.

Қидирув давомида археологлар 2-3-асрлар даврига оид гўрдан 18-20 ёшлар чамасидаги йигит жасадини топишди. Бу жасаднинг боши булоқ томонга қаратилган бўлиб, унинг бошида кўзача, қўй ва буқанинг суяклари, ёнида темирдан ясалган ўқ, оёқ томонида эса сопол қозон бор экан.

Р. ҚОСИМХЎЖАЕВА.

БИЛИМЛАР УЙИГА МАРҲАМАТ

Тошкентда республика билимлар уйи биноси қуриб битказилди. Бу воқеага бағишланиб 16 сентябрда меҳнаткашларнинг умумшаҳар митинги ўтказилди.

Митингда сўзга чиққан Ленин район партия комитетининг биринчи секретари Б. Х. Халилов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги В. П. Шчеглов, бўёқчилар бригадасининг бошлиғи А. П. Полюляк, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Х. А. Асомов Тошкентда қад кўтарган билимлар уйи В. И. Ленин туғилган куннинг яқинлашиб келаётган 100 йиллиги шарафига Ўзбекистон пойтахти аҳолисига муносиб туҳфа бўлди, деб таъкидладилар.

Митинг қатнашчилари 4-қурилиш бошқармасига қарашли 4-қурилиш тресги ва «Главташкентстрой»нинг 1-отделстрой трестига қарашли 20-қурилиш бошқармаси коллективларига, шунингдек бинонинг авторлари ва уни безатувчилар—Москвалик рассомлар ва усталарга самимий миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Митинг қатнашчиларининг гулдирос қарсаклари остида лента қирқилади ва янги бинога меҳнаткашларнинг вакиллари кира бошлайдилар. Бинода икки зал: катта ва кичик заллар бўлиб, бу ерда олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари иштирокида бўладиган кино-лекциялардан ташқари, турли конференциялар, учрашувлар ва йиғилишлар ҳам ўтказилади.

Бинонинг ички қисмини пардозлашда монументал рассомлик санъатидан кенг фойдаланилган. Фойе деворлари гўё катта мозаик полотнолардек инсоният тарихи босқичларини, ўзбек халқи йилномасини акс эттиради.

(ЎзТАГ).

Суратда: Тошкентда қад кўтарган Билимлар уйи биноси.

А. Абалян фотоси.

АРМУҒОН

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти олимлари Навоий туғилган куннинг 525 йиллик тўйига муносиб туҳфа тайёрладилар. Бир неча илмий ва аҳборот тарзидаги мақолаларни ўз ичига олган «Навоийга армуғон» номли тўплам нашр эттирилди.

Мақола муаллифлари китобда Навоий ижодининг ўрганилмаган ёҳуд кам ўрганилган масалалари ҳусусида фикр юритадилар, Навоий асарларининг янги топилган қўлёзмалари, уларнинг адабий-танқидий текстини тузиш принциплари, шоир яшаган давр, адабий ҳаракатчилик ҳамда бошқа проблемаларни атрофлича ёритадилар.

Навоийнинг бой ва битмас-туганмас меросини ўрганиш, асарларини нашрга тайёрлаб, кенг ўқувчилар оммасига етказишда институт олимларининг ҳам ҳиссаси катта. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Ҳамид Сулаймонов, улкан шоир ва олим, марҳум Мақсуд Шайхзода, профессорлар Н. М. Маллаев ва С. Усмонов, филология фанлари кандидатлари Ш. Абдуллаева, Ҳ. Ҳомидий, доцент И. Ҳусанхўжаев ва бир қатор ўқитувчилар ўз илмий тадқиқотлари билан навоийшунослик фанига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Тўпламда «Армуғон» деб номланган мақола билан қатнашган тарих фанлари доктори, профессор Ш. Ш. Абдуллаев юқорида номлари зикр этилган олимларнинг илмий ишлари ва институтда Навоий ижодини ўрганиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтади.

«Навоийнинг янги топилган «Фусули арбаа» асари ва унинг XVI асрда кўчирилган мўътабар қўлёзмаси ҳақида» номли мақола китобхон диққатини ўзига тортади. Мақола муаллифи таниқли навоийшунос олим Ҳамид Сулаймондир.

Маълумки, ўзбек классик адабиётида лирик турнинг ғазал, мухаммас, мусаддас, рубоий, қитъа жанрлари каби қасида жанри ҳам кенг қўлланилган. Навоий қасида жанрини гўзал намуналар билан бойитди, унга дунёвий ва фалсафий фикрлар олиб кирди. Навоий замонасининг ижтимоий-сиёсий масалаларига бағишланган бир неча фалсафий қасидаларнинг муаллифлари бўлмиш машҳур шоирлар Лутфий ва Жомийлар Навоий қасидаларига жуда юксак баҳо беришган.

Шоирнинг «Туҳфат-ул-афкор» ва «Қасидаи ҳилолия»дан ташқари форс тилида ёзган яна тўққизта қасидаси топилди. Бу эса Навоийнинг буюк даҳосидан, зуллисонайн шоирлигидан, ўз даврининг етук қасиданависи ҳам бўлганлигидан далолат беради.

«Алишер Навоий яратган улкан адабий мерос бизнинг давримизгача асосан етиб келган бўлса ҳам, шоир ижод этган баъзи асарларнинг йўқолган бўлиши ёки қўлёзма нусхаларининг ғоятда оз бўлганидан бизга маълум бўлмаслиги табиийдир. Шоирнинг тўрт қасидадан ташкил топган «Фусули арбаа» асари шулар жумласидандир», деб ёзади ўз мақоласида Ҳамид Сулаймонов. Айни даврда шоирнинг ўзи бу қасидалари тўғрисида «Муҳокамат-ул-луғатайн» асарида (Алишер Навоий, «Муҳокамат-ул-луғатайн», Тошкент, Ўздавнашр, 1940 йил. 34-бет) маълумот беради.

Кейинги вақтда Париждаги француз миллий кутубхонасида сақланаётган «Девони Фоний» қўлёзмаси таркибида «Фусули арбаа» қасидалари мавжудлиги аниқланди. Беш асрдан бери фанга маълум бўлган, бироқ, асл нусхаси топилмаган гўзал «Фусули арбаа» қасидалари билан ўқувчилар танишишга муяссар бўлдилар.

«Фусули арбаа» (Париж нусхаси) 933 ҳижрий йили зулҳижжа ойида (1527 йил, сентябрь ойи) кўчирилган. Тўрт қасидадан ташкил топган «Фусули арбаа» (231 байт), шоир таърифига кўра, дунёвий мавзуда ёзилган. Уларда илғор социал ғоялар, инсонпарварлик ва ватанпарварлик туйғулари олға сурилади. «Навоийга армуғон» тўпламининг 18—33 бетларида «Фусули арбаа»нинг тўла тексти эълон қилинган.

«Навоий ғазаллари классик ғазалчиликнинг энг мукаммал намунасидир». Атоқли совет навоийшунос олими Е. Э. Бертельс Навоий ғазалларига, умуман унинг лирикасига ана шундай юксак баҳо берган эди. Навоийнинг «Хазойин-ул-маоний» ва «Девони Фоний» лирик тўпламларида ғазал асосий ўринни эгаллайди.

Профессор Н. М. Маллаевнинг «Ўзбек адибиётида ғазал ва унинг ривожида Навоийнинг роли ҳақида» номли мақоласи ҳам шу мавзуда ёзилган.

Маълумки, ғазал узоқ тарихга эга. У Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиётида кенг тарқалган жанрлардан бири бўлиб ғазал куртаклари форс-тожик адабиётида X асрда пайдо бўлган. Кейинчалик ўзбек (турк) тилида ҳам кўплаб ғазаллар ёзилган. Ғазал ўзбек адабиётида дунёвий йўналишнинг бир жанри сифатида вужудга келган ва бу адабиётнинг барча тараққиёт босқичларида унинг тематик-ғоявий ва бадиий эстетик ривожи билан бирга ривожланди. Лутфий, Саккокий, Фурқат, Муқимий ва бошқа бир қатор ўзбек ғазалчилари бу жанрда жуда гўзал мисралар яратишга муяссар бўлишган.

Навоий лирикасида ҳам ҳаёт ва инсон мадҳияси, севги ва шодлик тароналари, ўз замонасидан ҳасрат ва надомат мотивлари ҳамда ижтимоий-сиёсий воқеалар баёни асосий ўринда туради.

Навоий ўзбек ғазалчилигини ривожлантиришда, унга янги фикрлар олиб киришда, бошқа халқлар адабиётида ғазал жанри ривожланишида муҳим роль ўйнади.

Профессор Н. М. Маллаев ўз мақоласида ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожланишида буюк Алишернинг роли ҳақида атрофлича тўхталиб ўтади.

Ўзбек совет адабиётида ғазал анъанавий бир жанрдир. Собир Абдулла, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳабибий, Уйғун, Ғайратий ва бошқа шоирларимиз ғазал жанрида муваффақият билан ижод этишди. Филология фанлари кандидати С. Иброҳимова «Ўзбек совет адабиётида ғазал» мақоласида ана шу масалага тўхталиб ўтади. У ўзбек совет адабиётида ҳам ғазал жанри кенг қўлланилаётганлиги, янги-янги ғазаллар вужудга келаётганлиги, уларни куйга солиб айтиш ҳамда замонамиз руҳига мос ҳолда ишқий-интим ғазал, пейзаж, ахлоқий-таълимий ғазал, ҳажвий ғазал, публицистик ғазал, мушоира ғазал турларида ижод этилаётганлиги тўғрисида ўз фикрларини баён этади.

Тўпламда Мақсуд Шайхзоданинг «Тазкирачилик тарихидан» мақоласи эълон қилинган бўлиб, у Навоий анъаналарини давом эттирган, XVI асрда яшаб ижод этган озарбайжон адабиётшуноси Содиқбекнинг «Тазкираи мажмаул-ховос» асари таҳлилига бағишланган.

Филология фанлари доктори С. Усмонов ўзбек тили луғат составидаги форс-тожик ва арабча сўзлар ҳақида, доцент Ш. Абдуллаева Навоий яратган асарлардаги хотин-қизлар образи тўғрисида баҳс юритишади.

Тарихчи Х. Бекмуҳамедов «Навоий даврида Ҳирот» номли мақоласида Шарқнинг кекса ва обод, гўзал ва сергавжум шаҳарларидан бири бўлган Ҳиротнинг тарихи, Навоий замонасидаги қурилишлар ва маданий ёдгорликлар тўғрисида ёзади.

Л. Халиловнинг «Алишер Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» асарининг қўлёзма нусхалари» ва «Тарихи мулуки Ажам»нинг илмий танқидий текстини тузиш принципи ва текст танқиди» мақоласида ҳам Навоийнинг бу асарини ўрганишда, унинг нусхаларини текшириб босмага тайёрлашда олиб борилган ишлар ҳусусида фикрлар баён этилади.

Филология фанлари кандидати Ҳ. Ҳомидийнинг «Алишер Навоийнинг Фирдавсий ижодига муносабатига доир» ва «Шоҳнома» таржимасига оид баъзи мулоҳазалар» ахборотлари ўзбек халқининг бошқа халқлар билан маданий адабий алоқалари темасига бағишланган. Ҳаким Ҳомидийнинг «Навоий ва Жомий» мақоласи эса, икки буюк адибнинг дўстлиги, ҳамфикрлиги, улар ижодидаги бир-бирига ўхшамас тарафларини ҳикоя қилади.

«Навоийга армуғон» тўплами илмий ходимларга, аспирантлар ва олий ўқув юртларида таҳсил кўрувчи филология факультетлари талабаларига мўлжаллаб чиқарилган.

Китобда айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, ўзбек совет адабиётида ғазал жанрини анализ қилишда асосан кекса шоирларимиз ижодига тўхталиб ўтилган. Бизнингча, ёш шоирларимиз, жумладан Эркин Воҳиднинг «Ёшлик» девонига тўхталиб ўтилса, айни муддао бўлур эди. «Шоҳнома» асарининг Навоий ижодига таъсири масалалари тўғрисида ҳам қисқача гап юритилган.

«Навоийга армуғон» тўплами институт олимларининг улуғ шоир юбилейига муносиб тўёнасидир.

Қ. ОРИПОВ.
Ҳ. СУЛТОНОВ.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасига 1969 йил учун обуна қилиш давом этмоқда.

Обуна баҳоси:
1 ЙИЛГА — 5 сўм 28 тийин.
ЯРИМ ЙИЛГА — 2 сўм 64 тийин.

Обуна «Союзпечать»нинг ҳамма тармоқларида ҳамда бевосита иш ёки ўқиш жойингизда қабул қилинади.

СПОРТ ХАБАРЛАРИ

НАЙРАНГБОЗЛАРГА ЖАВОБ

Совет Иттифоқи чемпиони — Киевнинг «Динамо» командаси ва Москва динамочилари Европа кубоги мусобақаларида қатнашмайдилар.

Маълумки, Европа футбол федерацияси (УЕФА) фавқулодда комитети томонидан қайтадан чек ташлангач, СССР, шунингдек Болгария, Венгрия, ГДР, Польша ва Франция футбол федерациялари норозилик билдирган эдилар. Бироқ УЕФА ижроия комитети бу норозиликни инобатга олмади. Табиийки, Бутуниттифоқ футбол федерацияси бундай қарор билан келиша олмади. Чунки УЕФА раҳбарлари бу ташкилотнинг уставларини қўпол равишда бузиб, реакцион сиёсий тенденцияларни халқаро спорт федерациясига олиб кирдилар ва ўз билганларича иш тутдилар.

УЕФА ижроия комитетининг бу ўзбошимчалиги Польша, Венгрия, Болгария ва Германия Демократик Республикаси футбол федерациялари томонидан ҳам зарбага учради. Мазкур давлатларнинг футбол жамоатчилиги ҳам ўз мамлакатларидан қатнашадиган командаларнинг Европа кубоги ўйинларида иштирок этмаслигини маълум қилдилар.

АУТСАЙДЕРЛАР ОЧКО ТУПЛАМОҚДА

— Энди бир қадам ҳам орқага чекиниш мумкин эмас! — мамлакат чемпионатида сўнгги ўринда бораётган командаларнинг ҳозирги кундаги шиори шундай бўлиб қолди. Шу сабабли ҳам 16 сентябрь куни бўлган мусобақаларда Олмаота, Тошкент ва Кировобод футболчилари астойдил ҳаракат қилиб, муҳим очколарни қўлга киритишга муваффақ бўлдилар.

«Пахтакор» Куйбишевнинг «Крилья Советов» командаси билан бўлган ўйин олдидан мушкул аҳволда қолган эди. Команданинг асосий зарбдор кучини ташкил этувчи Абдураимов бетоблиги сабабли, Красницкий ва Варюхин эса енгил шикастланганликлари учун вақтинча сафдан чиққан эдилар. Улар ўрнига Исоқов, Раҳматуллаев, Петухов майдонга тушишди. Ҳамшаҳарларимиз пешқадам ўйинчилар иштирок этмаган бўлса ҳам жуда ҳамжиҳатлик кўрсатишди. Айниқса, хушёрлик билан ҳаракат қилган ҳимоячиларимиз рақиб ўйинчиларини штраф майдонига яқинлаштирмадилар. «Крилья Советов»нинг олисдан урган зарбаларини эса Любарцев ушлаб қолаверди. Бу ўйинда ярим ҳимоячи Равшан Юнусов ўзининг ҳақиқий ўрнини эгаллади. У ҳужумчиларимизга актив ёрдамлашиб турди. Равшаннинг ўйин бошларида урган қаттиқ зарбаси штангадан қайтди. Ўйинни 48-минутда Петухов киритган ягона тўп ҳал этди. Ярим ҳимоячимиз Раҳматуллаев бошлаган хавфли ҳужумни ниҳолсига етказа олди.

«Пахтакор» олтинчи ғалабани қўлга киритиб, 19 очко тўплади. Лекин у ҳамон 19-ўрнида турибди. Чунки шу куни Москва торпедочиларини қабул қилган «Қайрат» футболчилари ҳам ғалабага эришдилар. Учрашувнинг биринчи бўлимида қозоқ футболчилари урган тўп уларга икки очко келтирди. Кировобод динамочилари эса Ростов армиячиларидан бир очко тортиб олишди (0:0).

ЦСКА билан «Черноморец» матчи 2:2 ҳисобида дуранг бўлиб тугади. Бокунинг «Нефтчи» командаси Кутаиси торпедочиларини қабул қилиб 2:1 ҳисобида енгди.

МАЙДОНДА ВЕТЕРАНЛАР

«Пахтакор» — «Крилья Советов» ўйини олдидан томошабинлар қизиқарли учрашувнинг гувоҳи бўлдилар: Ўзбекистон ва Тожикистон футбол ветеранлари мусобақлашишди. Ишқибозлар бир неча йил аввал ўзбек футболи шарафини ҳимоя қилган дарвозабонлар Кольцов ва Владимир Стадник ҳамда Акмал Азизхўжаев, Олег Моторин, Вильгельм Қаҳҳоров, Искандар Фозилов, Лазиз Мақсудов, Яков Аранович сингари ўзлари севиб қолган футболчиларни қайта майдонда кўрдилар. Мусобақа 1:1 ҳисобида тугади. Аввал тожикистонлик Синицин, сўнгра Ўзбекистон командасидан Мақсудов тўп киритдилар.

ЭШКАКЧИЛАР ЮТУҒИ

Шаҳарда эшкак эшувчилар спорти бундан олти йил муқаддам туғилган эди. Бугунги кунга келиб чирчиқликлар фақат областдагина эмас балки республикада ҳам энг кучлилардан ҳисобланишади.

Шаҳарда иккита спорт базаси намунали ишлаб турипти. Ўтган даврда 9 та спорт мастери тайёрланди. Бунда спорт мастери, устоз Ю. Родноновнинг хизмати катта.

Яқинда Бекободда эшкак эшувчиларнинг республика мусобақалари бўлди. Чирчиқлик спортчилар область терма командаси сафида қатнашдилар. Л. Ховович, В. Каримов, И. Мустафоев, И. Ямоноглу, Г. Смирнова ва бошқалар умумкоманда ғалабасига салмоқли ҳисса қўшдилар. Тошкент область командаси фахрли биринчи ўринга чиқди. Тошкент шаҳар командаси иккинчи, бекободликлар учинчи ўринларни олишди.

Т. Сихарулидзе,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

Редактор ўринбосари
Т. РАСУЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.55 — Кўрсатишлар программаси, 19.00 — Телеянгиликлар (рус тилида).

Ўзбек тилида: 19.10 — Шу куннинг созандалари. Рустам Неъматов, 19.50 — Телеянгиликлар. 20.00 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 19.00 — Маруся Богуславка (болалар учун кинофильм), 19.10 — ВЛКСМ нинг 50 йиллиги олдидан. Комсомолия сўзлайди («Ёшлик» студияси), 19.50 — Космик йўл (ҳужжатли фильм), 20.10 — Композитор Икром Акбаровнинг ижодий портрети.

Ўзбек тилида: 20.50 Осиё ва Африка ёзувчилари Тошкент конференциясининг 10 йиллиги олдидан. Қитъалар мушоираси, 21.10 — Спорт («Ёшлик» студияси), 21.40 — Улар номи асрлар оша абадий (бадиий фильм), 23.20 — Эшиттириш ва концерт.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 20.00 — Партия ташкилоти ва НОТ, 20.20 — Концерт (қурувчилар учун).

Ўзбек тилида: 21.00 — Телефильм, 21.20 — Уларни кўрганда танирдилар (бадиий фильм).

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/IX да Қизбулоқ, 19/IX да Икки билагузук.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Агентнинг ўлими — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Душанбагача омон бўлсак — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (1-залда, тоқ соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 4 ва кеч 9.45 минутда).

Лақма — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Алданган ва хўрланган — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2, кеч 6 ва 8 да).

ЁЗГИ БИНОДА
(кеч соат 8 ярим ва 10 яримда бошланади)

Агентнинг ўлими — «ФЕСТИВАЛЬ».

Душанбагача омон бўлсак — «ХИВА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ».

Лақма — «ТЕЛЬМАН» номли.

А. НАВОИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРНИНГ РЕПЕРТУАР ПЛАНИ:

20/IX да — «ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН».
21/IX да — «СУҲАЙЛ ВА МЕҲРИ» премьераси.
23/IX да «СПАРТАК».
24/IX да «ДИЛОРОМ».
26/IX да — «СУҲАЙЛ ВА МЕҲРИ».
27/IX да — «ЗУЛМАТДАН ЗИЁ».
28/IX да «ҚИРҚ ҚИЗ».
29/IX да — кундуз «СЕМУРҒ», кечқурун «ШОИР ҚАЛБИ».

Кундузги спектакллар соат 12 да, кечки спектакллар — 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

24—25 сентябрда

ХОРАЗМ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ «ЛАЗГИ»

қатнашадилар:

Ўзбекистон ССР халқ артисти Коммуна ИСМОИЛОВА; VI Жаҳон фестивалининг лауреатлари Гулсара ЕҚУБОВА, Онабиби АҲМЕДОВА, Анвар РУСТАМОВ, Отажон РАЖАБОВ, солистлар: Шариф СУЛТОНОВ, Отажон ВОИСОВ, Отахон ЕҚУБОВ, Ортиқ ОТАЖОНОВ ва бошқалар.

Ўзбек халқ чолғу ансамбли жўр бўлади.

Программада: Хоразм ашулалари, музикалари, рақслари, мақомлари ва достонларидан парчалар.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида кундуз 12 дан сотилади.

Тошкент область партия комитети ва Тошкент шаҳар партия комитети Бухоро область партия комитетининг секретари Қ. М. Муртазоевга унинг отаси

Муртазо МИРЗАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети партия ташкилоти ва маҳаллий комитети, физика факультети коллективи факультет деканининг ўринбосари доцент У. В. Азизовга акаси

Вали

АЗИЗОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

Р. 02805. ИНДЕКС — 6469. № 1947.